

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

КХЕРА АКШЕЙ

**ПРОЛИФЕРАТИВ ДИАБЕТИК РЕТИНОПАТИЯ ВА КАТАРАКТАСИ
БЎЛГАН БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШДА ВИТРЕАЛ ЖАРРОҲЛИК
УСУЛИНИ МУКАММАЛЛАШТИРИШ (ПРОГНОСТИК
ЖИҲАТЛАРИ)**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Кхера Акшей

Пролифератив диабетик ретинопатия ва катарактаси бўлган

беморларни даволашда витреал жарроҳлик усулини

мукамаллаштириш (прогностик жиҳатлари) 3

Кхера Акшей

Совершенствование метода витреальной хирургии в лечении больных

пролиферативной диабетической ретинопатией и катарактой

(прогностические аспекты)..... 27

Khera Akshey

Improving of vitreous surgery methods in the treatment

of patients with proliferative diabetic retinopathy and

cataracts (prognostic aspects)..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

КХЕРА АКШЕЙ

**ПРОЛИФЕРАТИВ ДИАБЕТИК РЕТИНОПАТИЯ ВА КАТАРАКТАСИ
БЎЛГАН БЕМОЛЛАРНИ ДАВОЛАШДА ВИТРЕАЛ ЖАРРОҲЛИК
УСУЛИНИ МУКАММАЛЛАШТИРИШ (ПРОГНОСТИК
ЖИҲАТЛАРИ)**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Tib157 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида www.tdsi.uz ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Бахритдинова Фазилат Арифовна**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Diana Cormos (Руминия)**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Камилов Халиджон Махамаджанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: «Siloam» офтальмологик клиникаси, Сеул
(Жанубий Корея)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103 уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумкули кўчаси 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.С. Касимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда гипергликемия базал мембрананинг йўғонлашиш ва перицитлар йўқолишига, капиллярларнинг торайишига, тўр парда ангиогенезига турли омиллар сабабли, орқа гиалоид мембранага ўсиб кировчи янги томирлар шаклланишига олиб келади. Бу томирлар шишасимон танага қон қуйилиши, тўр парданинг тракцион кўчиши, ёрилиши ва кўшма кўчишига олиб келувчи фиброваскуляр тасмалар ҳосил қилиб, витреоретинал аралашувларни ўтказиш учун кўрсатма ҳисобланади. Қандли диабет (ҚД) бўлган ва пролифератив диабетик ретинопатия (ПДР) билан асоратланган беморларда витреоретинал жарроҳликда тўр парда тракцион кўчиши натижасида кўриш қобилиятини тўлиқ йўқолиши, витреоретинал жарроҳлик турли қон қуйилишлар операциядан кейинги офталмогипертензиянинг ривожланиши, қуйилган силикон мойининг ретиноксик таъсирида гавҳарнинг хиралашиши, тўр парда дистрофияси ҳамда мойни олиб ташлашга қаратилган қайта операциянинг зарурлигидан далолат беради.

Жаҳонда пролифератив диабетик ретинопатия ва катарактаси бўлган беморларни даволашда витреал жарроҳлик усулини мукаммаллаштириш ва касалликни олдини олишда профилактик тадбирларнинг юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда, бу борада, қандли диабет мавжуд беморларда касалликнинг келиб чиқиш сабаблари ва патогенетик хусусиятларини асослаш; қандли диабет беморларда қанд миқдорини меъёрий даражада сақлаш мақсадида скрининг тизимига жалб қилишни такомиллаштириш, касалликни ташхислашнинг оптимал тактикасини танлаш, тўр парданинг лазерофотокоагуляция амалиётини самарадорлигини баҳолаш, диабетик ретинопатияда жарроҳлик амалиётида витреоретинал жарроҳлик амалиётини қўллаш ва самарадорлигини баҳолаш; томирлар ўсишининг ингибиторларининг макула шишида самарадорлигини исботлаш; диабетик ретинопатияда дистрофик ўзгаришлар сабабларини аниқлаш; диабетик ретинопатияда ирсий мойиллигини хавф омилларини олдини олиш тизимини ишлаб чиқиш, касалликни ташхислаш ва даволашнинг асоратларини камайтиришга қаратилган тизимини ишлаб чиқиш, диабетик ретинопатия касалликларни келиб чиқиши ва аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизими тубдан янгиланди. Касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратиш натижасида кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилди. Қандли диабет ва ретинопатия касаллигини ўз вақтида аниқлаш ва жарроҳлик амалиёти орқали даволашнинг самарали натижаларини амалга ошириш, касалликларни эрта ташхислаш натижасида диабетик ретинопатия жарроҳлик амалиётини самарадорлигига эришилиб, уларнинг патогенетик даволаш мезонлари

такомиллаштирилди ва оғир асоратларни олдини олишга эришилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси¹га мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да, 2011 йил 28 ноябрдаги ПҚ–1652-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чоралари ҳақида»ги, 2017 йил 20-июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, ҳамда Ҳиндистон Республикасининг 2012 йилдаги «Indian Public Health Standards» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» ва «Guidelines for Primary Health Centres of India» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда сўнгги ўн йилликда кўз касалликларини даволашнинг самарали усуллари қўлланилишига қарамадан ПДРни даволашда ягона методологик ёндашув усули ишлаб чиқилмаган (Gündüz K., Bakri S.J., 2007, Cruz-Iñigo Y.J., Acabá L.A., Berrocal M.H., 2014). ПДРни жарроҳлик амалиёти билан даволашда витреоретинал жарроҳлик усулини такомиллаштирилиши хирургик даво кўрсатмаларини ошишига сабаб бўлмоқда (Байбородов Я.В., Балашевич Л.И., 2008, David A.A., Ronald K., Thomas W.G., 2012, Бикбов М.М., Файзрахманов Р.Р., Ярмухаметова А.Л., Каланов М.Р., 2015).

Ўзбекистонда ПДРни даволаш усуллари XX асрнинг охирида соғлиқни сақлаш тизими амалиётига профессор Ф.А. Бахритдинова ва А.Ф.Юсуповларнинг (2011) илмий ишларнинг натижаларида, яъни тўр пардани лазерофотокоагуляция ёрдамида даволаш тизими киритилган бўлиб, бу ПДРни витреоретинал жарроҳлик усулида даволаш тизими илк мартаба Ўзбекистон ва Марказий Осиёда тадбиқ этган муаллифлар ҳисобланади.

ПДР билан хасталанган беморларни даволаш тактикасини ва жадаллаштириш механизмларини ёритишда Эндокринология илмий текшириш институти ходимлари ишларида кенг ёритилган.

Таъкидлаш жоизки, қатор ишлар бажарилишига қарамадан ПДР билан хасталанган беморларда витреоретинал жарроҳлик ва лазер офталмокоагуляция усуллариининг клиник функционал самарадорлигини

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси

ёритилишига қарамасдан, панретинал коагуляцияга (ПЛК) боғлиқ бўлган ПДРни асоратлари, қандли диабет билан хасталанган беморларда витреоектомия асоратлари ва самарадорлигини баҳоловчи илмий манбалар учрамади.

Нафақат ПЛК биринчи ҳисобланади, балким ПДРни даволашда абсолют даволаш усули ҳисобланмайди, шунинг учун биз ушбу тадқиқотни режалаштириши билан биргаликда, витреоретинал жарроҳлик ўтказилган беморларда ПЛКсиз жарроҳлик амалиётининг натижаларини солиштиришни мақсад қилиб олганмиз. Тошкент тиббиёт академияси Офтальмология кафедраси ходимлари профессор Ф.А. Бахритдинова ва доцент Қ.И. Нарзиқуловлар (2016) Тошкент тиббиёт академияси олий ўқув юртлариаро илмий тадқиқот лабораторияси ходимлари билан биргаликда ПДР беморларда клиник ва экспериментал тадқиқотларни олиб боришган ва самарали натижаларга эришишган. Қандли диабетнинг ПДР асоратини даволашда замонавий технологияларни қўллаш нафақат офтальмологик жарроҳлик амалиётини, балким мамлакатимиздаги оғир хастали беморларни тиббий ижтимоий реабилитациясини таъминлайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг «Офтальмология амалиётига янги дори усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда кўз касалликларининг айрим турларини ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш» илмий-тадқиқот ишлари режасига (2015-2018 йй.) мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: пролифератив диабетик ретинопатияси бўлган кўзларда витреоретинал жарроҳликнинг тузилмали-функционал натижаларига дастлабки тўр парда лазерокоагуляциясининг таъсирларини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дастлабки тўр парда лазерокоагуляциясининг витреоретинал жарроҳликка бўлган кўрсатмалар тузилишига таъсирини ва пролифератив диабетик ретинопатия бўлган кўзларда операциядан дастлабки ҳолатини ўрганиш;

пролифератив диабетик ретинопатияси бўлган кўзларда дастлабки тўр парда лазерокоагуляциясининг витреоретинал аралашувнинг кечишига бўлган таъсирини ўрганиш;

дастлабки тўр парда лазерокоагуляциясига қараб пролифератив диабетик ретинопатияси бўлган кўзларда витреоретинал жарроҳликнинг тузилмали-функционал натижаларини ўрганиш;

пролифератив диабетик ретинопатияси бўлган кўзларда витреоретинал жарроҳликнинг функционал натижаларига шишасимон тана бўшлиғини силикон мойи билан тампонадасининг таъсирини ўрганиш;

пролифератив диабетик ретинопатияси бўлган кўзларда витреоретинал жарроҳликнинг функционал натижаларига катаракта жарроҳлигининг таъсирини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида пролифератив диабетик ретинопатия билан хасталанган (ПДР) 130 нафар бемор (200 та кўз) жарроҳлик амалиётидан фойдаланилган. Жарроҳлик амалиёти Тошкент шаҳридаги очик акциядорлик жамиятига қаршли «Vedanta Medical» хусусий шифохонасида кўриқдан ўтган беморлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети пролифератив диабетик ретинопатияда витреоретинал жарроҳлик амалиётни кўзнинг тўрли пардасини лазерофотокоагуляция усулсиз амалга ошириш натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотини вазифаларни бажаришда клиник-функционал текширув (визиометрия, биомикроскопия, гониоскопия, офтальмоскопия, тонометрия) ва махсус, кўзни оптик когерентли томографияси, ультратовушли А ва В сканирлаш ҳамда статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

витреоретинал аралашув давригача олдиндан лазерокоагуляция қилиниши кўрув фаолиятининг сақланишига ва пролифератив диабетик ретинопатиянинг салбий асоратлари сонини қисқаришига олиб келиши асосланган;

лазерокоагуляциядан сўнг кўзнинг нисбий стабил ҳолати, шишасимон тананинг силикон мойи билан тампонадасини камайиши исботланган;

кўз ичи босимини меъёрий сақланишига ёрдам берувчи омиллар бўлиб, тўр парданинг олдиндан лазерокоагуляция қилиниши ва шишасимон тананинг тампонадаланмаганлиги бир-биридан мустақил тарзда ҳисобланиши исботланган;

пролифератив диабетик ретинопатиянинг эрта босқичларидаги тўр парданинг лазерокоагуляцияси натижасида беморларни даволаш самарадорлигини ошириш, соғлиқни сақлаш амалиётида муҳим аҳамият касб этиши исботланган;

фонли ёки катарактанинг қўшма жарроҳлик амалиётлари (ФЭК+ИОЛ), пролифератив диабетик ретинопатияда витреоретинал жарроҳликнинг тузилмавий ва функционал натижаларига таъсир кўрсатмаслиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Дастлабки тўр парданинг лазерокоагуляцияси қандли диабетини бўлган беморларнинг янада юқори функционал кўриш қобилиятига ёрдам беради. У операция давомийлигини, шишасимон тана бўшлиғини силикон мойи билан тампонадасининг зарурлигини камайтиришга, қайта жарроҳлик аралашувларга бўлган эҳтиёжни қисқартиришга имкон берган;

Беморнинг фақат функционал аҳволини сақлашга ва ишга қобилиятсизлик даражасини камайтиришга эмас, балки моддий воситаларнинг бевосита тежалишига ҳам ёрдам бераган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий изланишда қўлланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи клиник-функционал, ультратовуш, жарроҳлик усуллар билан тасдиқланган ҳамда етарли даражада беморларнинг сони, диабетик ретинопатияда клиник ва лаборатор шароитида даволаш ва олдини олишнинг ўзига хослиги такомиллаштирилганлиги, олинган натижалар ишончли тартибда статистик ишлов берилганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти асосланган клиник тадқиқотларнинг хулоса ва таклифларнинг натижалари асосида пролифератив диабетик ретинопатиянинг эрта ва кеч ривожланишидаги асоратларида ПЛКни ўтказиш зарурлиги ва ПДР билан хасталанган беморларда витреоретинал жарроҳлик амалиётни қўллаш самарадорлиги билан изоҳланади. ПДРнинг катаракта билан бирга учраган ҳолатларида, жарроҳлик кўзнинг тузилмавий ва кўрув функцияларига таъсир кўрсатмайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ПДРни даволаш учун тавсия этилган алгоритм мамлакатимиздаги офтальмология соҳасининг истиқболли йўналиши ҳисобланиб, пролифератив диабетик ретинопатиянинг жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни камайтиришга қаратилган витреоретинал жарроҳлик амалиётининг самарадорлигини яхшилаши, даволаш муддатининг қисқаришига олиб келганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Проллифератив диабетик ретинопатия ва катарактаси бўлган беморларни даволашда витреоретинал жарроҳлик усулининг самарадорлигини мукамаллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Ҳиндистоннинг Амритсар Штатининг «SB Dr. Sohan Singh Eye Hospital», «Самарқанд тиббиёт институтининг кўз касалликлари шифохонаси» ва Тошкент тиббиёт академиясининг биринчи ва учинчи клиникаларининг амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2016 йил 8 ноябрдаги 8н-м/347-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этилиши пролифератив диабетик ретинопатиянинг жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларини камайтиришга қаратилган витреоретинал жарроҳлик амалиёти эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 8 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 6 таси халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотларнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Пролифератив диабетик ретинопатия ва катарактаси бўлган беморларни даволашда витреал жарроҳлик усулини тадбиқ этиш хусусиятлари»** деб номланган биринчи бобида пролифератив диабетик ретинопатия ва катаракта ривожланишининг этиологияси, патогенези, клиникаси ва жарроҳлик амалиёти муаммоларининг замонавий ҳолати, офтальмопатологияда витреал жарроҳлик усулини тадбиқ этишнинг ижобий томонлари ёритилган. Амалдаги даволаш усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспектлари белгиланган.

Диссертациянинг **«Пролифератив диабетик ретинопатияни даволашда витреал жарроҳлик усулини тадбиқ этиш методологияси»** деб номланган иккинчи бобида ФЭК+ИОЛ усул билан катарактанинг фонли ёки қўшма жарроҳлиги пролифератив диабетик ретинопатияси бўлган кўзларда витреоретинал жарроҳликнинг натижалари ва асоратларига таъсир қилмайди.

Тадқиқотни амалга ошириш учун кўз микрожарроҳлиги клиникаси МЧЖ «Vedanta Medical» (Тошкент) га жарроҳлик даволаш учун ётқизилган, пролифератив диабетик ретинопатиянинг III ва IV даражаси билан асоратланган (ПДР, 200 кўзлар) қандли диабетини бўлган 160 бемор (ўртача ёш – $54,69 \pm 0,92$ ёш, эркалар – 84 та, 52,5%) жалб қилинган. ҚД биринчи тури 15 беморда қайд қилинган (9,38%). Барча беморлар дастлабки лазеркоагуляцияга (ДЛК) қараб 2 клиник гуруҳга ажратилган: ДЛК+ гуруҳга ПДР нинг III ва эрта IV даражасида лазерофотокоагуляция ўтказилган 116 кўзлар, ДЛК- гуруҳига дастлабки лазеркоагуляция ўтказилмаган 84 кўзлар кирган. Беморларнинг клиник тавсифи 1 жадвалда кўрсатилган. Жарроҳлик даволашга бўлган кўрсатмалар: тўр парданинг тракцион кўчишисиз 3-6 ой давомида сўрилмаган интравитреал қон қуйилишлар (4-6 ҳафта давомида ҚД нинг I турида ёки билатерал зарарланишда), тўр парданинг тракцион кўчиши, авж олувчи неоваскуляризация, панретинал лазерофотокоагуляцияга қарамасдан, оғир премакуляр қон қуйилиши, макула кўчиши, премакуляр фиброз, тўр парданинг қўшма кўчиши, лазерофотокоагуляцияни қийинлаштирувчи муҳитларнинг хиралашиши (шу жумладан, катаракта, орқа

капсуланинг хиралашиши, шишасимон тананинг хиралашиши), рангдор парда неоваскуляризацияси, олд тарафли гиалоид пролиферация, лазерофотокоагуляцияга чидамли мақулашиши.

Бирламчи офталмологик текширув беморларнинг бирламчи мурожаатида, операциядан кейин эса 1, 3, 10 кунларда ўтказилган. Илгариги натижалар 3, 6, 9 ва 12 ойлардан кейин баҳоланган. Текширувга кўриш ўткирлиги, кўзнинг ички босими, олдинги камера, гавҳар, орқа камера ва тўр парданинг ҳолатини аниқлаш кирган.

Тадқиқотга кирган барча беморларга витреал жарроҳлик ўтказилган, ундан 5 кун олдин эса, кўзнинг ички босимини назорат қилиш мақсадида, ҳамма беморларга бримонидин тартрат 0,2% ва тимолол малеат 0,5% қўшма кўз томчилари («Бримоптик», Liquor Farmaceuticals) тайинланган.

1 жадвал

Тадқиқотга киритилган беморларнинг клиник тавсифи

Кўрсаткич	ПЛК+ (n=116)	ПЛК- (n=84)
ҚД маълум бўлган узоқлиги, йил	8,42±2,45	8,93±3,51
Ёши, йил	53,85±5,63	51,97±6,57

Изоҳ: гуруҳлар орасидаги фарқлар барча кўрсаткичлар бўйича ишончли.

Операциянинг босқичлари: конъюнктивани очиш; асоратланган катарактанинг факоэмулсификацияси (%); склеротомия (3 нуқта) ва витреал асбобларни киритиш; инфузион канюляни ўрнатиш; шишасимон танани ва интравитреал қон қуйилишларни олиб ташлаш; орқа гиалоид мембранасини ажратиш; мембраналар сегментацияси; деламинация; мембраналарни олиб ташлаш; эндодиатермия (%); эндолазерли фотокоагуляция; шишасимон тана бўшлиғини силикон мойи билан тампонада қилиш (%); инфузион канюляни олиб қўйиш; конъюнктивал чоклар қўйиш.

Тадқиқотга кирган барча беморларга касаллик патогенези, мунтазам назорат зарурлиги, операциянинг моҳияти ва башорати батафсил тушунтирилган, шундан сўнг беморлар томонидан хабардорлик розилиги имзоланган. Жарроҳлик даволаш беморларнинг гликемиясини, метаболик ва гемодинамик аҳволини компенсациялашдан кейин ўтказилган. Барча операциялар маҳаллий анестезия шароитларида ўтказилган (10-30 мл лидокаин ва бупивакаинни 3:2 нисбатда парабулбар юбориш, оғриқсизлантирувчи таъсирни кучайтириш ва тизимли ножўя таъсирларни камайтириш мақсадида кўшимча равишда адреналин ва лидаза 64 бирл. юборилган).

Ҳаммадан кўп 3 склеротомик кириш усуллари ишлатилган. Шишасимон тана бир дақиқада 1000-2000 кесимлар тезлиги билан олиб ташланган ва 200-300 мм сим. уст. Босимини вужудга келтирувчи вакуумли сўргич билан сўриб олинган. Витреотомия, асбобларни кейинги киритиш учун ва шишасимон тана пролапсини олдини олиш мақсадида бўш канал (найча)ни

ҳосил қилиш учун фаол нуқтадан бошланган. Интравитреал геморрагия ва шишасимон тананинг орқа томондан кўчиши ҳолатида, шишасимон танани олиб ташлашдан кейинги субгиалоидли қон қуйилиши юмшоқ игна билан сўриб олинган. Кўриш нерви диски соҳасидаги резидуал битишмалар коагуляцияланган. Преретинал мембрана билан вужудга келтирилган минимал перипапиляр тракциялар, мембраналарни ажратишда олиб ташланган, тўр парданинг резидуал элевациясини сақлаган ҳолда. Тўр парданинг ёрилишлари йўқлигида суюқлик ва газ алмашинуви ва шишасимон тана бўшлиғини силикон мойи билан тампонадаси амалга оширилмаган. Зич тракцион тугунлардан ҳар бири алоҳида ажратишиб, орқа гиалоид мембранаси кўтарилганда олиб ташланган. Преретинал мембранасини олиб ташлаш учун сегментация, деламинация, ажратиб олиб қўлланилган. Тўр парданинг қўшма кўчиши ҳолатида фиброваскуляр тўқимани тўлиқ олиб ташлаш ўтказилган, ажралмайдиган битишмаларда – ретинектомия билан, шундан сўнг суюқлик ва газ алмашинуви ҳамда шишасимон тана бўшлиғини силикон мойи билан тампонадаси амалга оширилган. Ажралмайдиган периферик тракциялар ҳолатида қўшимча равишда силикон тасмали айлана бандаж солинган.

ПДР ва катаракта бирга кечганда операция бошида факоэмулсификация билан интраокуляр линза имплантацияси ўтказилган.

Тўр парданинг эндолазерли коагуляцияси барча беморларга гемофтальм, шишасимон тана ва фиброваскуляр тўқимани олиб ташланганидан кейин ўтказилган. Тўр парданинг ёрилган четлари ва неоваскуляризация соҳалари коагуляцияланган.

Операциядан кейин беморга асоратларни – силикон мойининг олдинги камерага чиқиши, қўшма кўчиш ҳолатидаги тўр парданинг қайта кўчишини ва бошқаларни олдини олиш мақсадида позицион режим тайинланган. Офтальмогипертензия ривожланиши ҳолларида беморларга бримонидин тартрат 0,2% ва тимолол малеат 0,5% қўшма кўз томчилари бетаблокатор шаклида тайинланган.

Панретинал лазеркоагуляция (ПЛК) ПДР нинг II ва III даражаларида 116 кўзларда, витреоретинал жарроҳликдан олдинги 5 йилдан кўп бўлмаган муддатда ўтказилган. ПЛК – янги шаклланган томирларнинг бевосита транспупилляр коагуляцияси, Meyer-Schwickerath ва Aiello усули бўйича 3-4 сеанс давомида бажарилган. Аргонли «яшил» лазер (488-514нм) 0,05-0,2 сонияли экспозиция билан қўлланилган. Ҳар бир сеанс 500 μ м диаметрли 1200-1600 коагулятларни, улар орасидаги коагулятнинг 1-1,5 диаметрига тенг масофадан туширишдан иборат бўлган. Таъсир кўрсатишнинг асосий зоналари – тўр парданинг ўрта периферияси орқа полюс бўйлаб ўтган чегаралар билан: бурун тарафдан – диск четидан КНД 1 та диаметри, юқори ва пастки – фовеадан КНД 3 та диаметри, темпорал - фовеадан КНД 4 та диаметри. Ҳар бир босқич бўйича, ўткир хориоидал ишемия ва тўр парданинг турғун реактив шиши ривожланишини олдини олиш мақсадида, маҳаллий тарзда тўр парданинг кўпи билан 15-20% майдони коагуляцияланган.

Биринчи сеанс пролиферациянинг энг фаол ўчоқлари аниқланган майдонда ўтказилган. Сеанслар орасидаги танаффус 3-6 ҳафтани (тўр парда реактив шишининг регрессив фазасида) ташкил қилди.

Барча беморларга дастлаб, операциядан олдин, эрта ва илгариги даврда куйидагиларни ўз ичига олувчи текширув ўтказилган: визиометрия коррекция ва коррекциясиз Карл Цейс фирмасининг (Германия) белгилар проектори асбобида; рефракцияни аниқлаш - Хувитс фирмасининг (Ж.Корея) авторефрактометрида; кўзнинг ички босими (КИБ) ни аниқлаш - контактсиз тонометр билан СТ-80, Торсон фирмаси; биомикроскопия тирқишли чирок ёрдамида, рангдор парданинг неоваскуляризацияси белгиларини қидиришга қаратилган алоҳида эътибор билан; кўз тубини мидриаз шароитида текшириш: офтальмоскопия Скепенс бўйича тескари офталмоскоп билан (Хайне-150); кўз тубини қайд қилиш—Kanghua фирмасининг фундускамерасида; ZEISS; кўзни ультратовушли текшируви - Томеу УД-1000 (Япония) асбобида ўтказилган.

Жадваллардаги барча қийматлар вариация қаторининг ўртача арифметик катталиги \pm стандарт оғиш кўринишида ифодаланган. Статистик гипотеза сифатида камида 95% ($p=0,05$) қиймат даражасидаги алтернатив катталик ишлатилган. Барча кўрсаткичлар меъёрдаги тақсимлашга бўйсинган. Ўртача қийматларнинг тенглиги тўғрисидаги фаразни текшириш учун куйидагилар қўлланилган: Студентнинг t жуфт ва икки-танловли мезонлари. 3 та ва ундан кўп гуруҳлар ҳолатида худди шу Студентнинг мезонлари + кўплик тенгламалар учун Бонферони тузатмаси билан ишлатилган. Нокўрсаткич кўрсаткичларни тенглаштириш, боғлиқлик жадваллари ва Хи квадрат мезони билан, уни кейинчалик эркинлик даражаларига мувофиқ ишончилигини текшириш орқали амалга оширилган. Корреляция таҳлили корреляция коэффиценти – r дан фойдаланиш, унинг қийматини ишончилиқ мезони ёрдамида текшириш билан бирга ўтказилган.

Мазкур тадқиқот натижасида олинган маълумотларни статистик ишлаш IBM PC/AT турдаги хусусий ком пютерда Windows учун EXCEL 6.0 электрон жадваллар тўпламини қўллаган ҳолда ўтказилган.

Диссертациянинг «**Тўр пардани лазер коагуляцияга мойил бўлган операциядан олдинги даврда ва пролифератив диабетик ретинопатияда витреоретинал жарроҳлик амалиётини қўллаш**» деб номланган учинчи бобида ПДР кўзнинг тўр пардасининг лазер коагуляцияга тайёрлаш босқичининг ретроспектив тадқиқотларнинг натижалари ва кўзнинг бирламчи витреоретинал жарроҳлик амалиёти натижалари келтирилган. Тадқиқот уч босқичда амалга оширилган бўлиб, биринчи босқичида тўр парданинг дастлабки лазеркоагуляциясининг операциядан олдинги офталмологик статусга таъсири баҳоланган. Солиштирма тадқиқот шуни кўрсатдики, ЛКС қилинган кўзлар (ПЛК+ гуруҳи) ишончли юқори кўриш функцияси билан ажралиб турган: кўриш ўткирлиги максимал коррекция билан $0,082\pm 0,008$ (ПЛК- гуруҳидаги $0,029\pm 0,005$ га қарши, $p<0,001$) ни ташкил қилди. Кўриш функцияси бўйича беморларни суръати бўйича

тақсимлаш ҳам ишончли фарқни аниқлади: ПЛК+ гуруҳида кўпинча юқори кўриш қобиляти бўлган кўзлар учради ПЛК- гуруҳи билан таққослаганда ($p<0,001$): масалан, ПЛК+ гуруҳидаги кўриши 0,1 дан юқори бўлганлар 29,31% ПЛК- гуруҳидаги 9,52% га қарши, кўриш ўткирлиги 0,01-0,1 бўлган кўзлар иккала гуруҳда тенг ҳолда учраган (50% ПЛК+ гуруҳида ва 40,48% ПЛК- гуруҳида), 0,01 дан паст кўриш ўткирлиги эса кўпинча ПЛК- гуруҳида 50% ПЛК+ гуруҳидаги 20,69% га қарши. Кўзнинг ички босими даражаси ПЛК- гуруҳида ишончли равишда юқорироқ бўлган ($19,52\pm 0,79$ мм сим. уст, ПЛК+ гуруҳидаги $15,59\pm 0,30$ га қарши, $p<0,001$), бу тез-тез ва кучли ифодаланган қон қуйилишлар (ghost-cell глаукома) ва кучли ифодаланган рангдор парданинг неоваскуляризацияси ва неоваскуляр глаукома ривожланиши билан боғлиқ. Дастлабки ПЛК га қараганда витреоретинал жарроҳликнинг суръатли тузилмаларида ҳам фарқлар аниқланган (2-жадвал). ПЛК+ гуруҳида витрэктомияга аниқ кам бўлган кўрсатмалар – сўрилиб кетмайдиган интравитреал қон қуйилиши ($p<0,01$), макуланинг ясси кўчиши ва премакуляр фиброз ($p<0,001$). Тўр парданинг қўшма кўчиши ПЛК+ кўзларда умуман учрамади ($p<0,05$). Авж олувчи неоваскуляризация ва рангдор парданинг неоваскуляризацияси, зич премакуляр қон қуйилиши ва тўр парданинг тракцион кўчиши, витреоренал жарроҳликка бўлган кўрсатма сифатида иккала гуруҳда ҳам бир хил тарзда кўп учраган.

2 жадвал

Дастлабки ПЛК га қараб ПДР да витреоретинал жарроҳликка бўлган кўрсатмалар тузилиши

Кўрсаткич	ПЛК- (n=84)	ПЛК+ (n=116)	χ^2 ишончл. даражаси билан.
Витрэктомияга бўлган кўрсатмалар			
Сўрилиб кетмайдиган интравитреал қон қуйилишлар	44 (52,38%)	36 (31,03%)	9,24 $P<0,01$
Авж олувчи неоваскуляризация ва рангдор парданинг неоваскуляризацияси	26 (30,95%)	24 (20,69%)	Нд
Зич премакуляр қон қуйилиши	26 (30,95%)	24 (20,69%)	Нд
Макуланинг ясси кўчиши, премакуляр фиброз	26 (30,95%)	12 (10,34%)	13,34 $P<0,001$
Тўр парданинг тракцион кўчиши	20 (23,81%)	24 (20,69%)	Нд
Тўр парданинг қўшма кўчиши	8 (9,52%)	0 (0%)	6,43 $P<0,05$

Шунингдек, биз томондан бошланғич кўриш ўткирлигига қараб текширилаётган кўзларни тақсимлаш ўтказилди. Аниқланишича, кўриш

Ўткирлиги паст бўлган гуруҳда бутун кузатув даври давомида энг юқори кўзнинг ички босими кузатилган ($p < 0,001$ барча вақт нуқталарида ўртача ва энг юқори кўриш ўткирлиги бўлган гуруҳлар билан солиштирганда). Операцияга сарфланган вақт энг паст кўриш ўткирлиги бўлган гуруҳда энг кўп давом этган ($p < 0,05$ энг юқори кўриш ўткирлиги бўлган гуруҳ билан). Энг юқори кўриш ўткирлиги қондаги креатининнинг паст миқдори ($p < 0,001$ ўртача ва паст кўриш ўткирлиги бўлган гуруҳлар билан солиштирганда), ҳамда нефропатиянинг энг кам суръати ($p < 0,001$), артериал гипертония ($p < 0,05$) ва углеводлар алмашинувининг декомпенсацияси ($p < 0,01$) билан ассоциацияланган. Кўриш ўткирлигининг пасайиши билан витреоретинал жарроҳликка бўлган, фаол неоваскуляризациялар ($p < 0,05$), премакуляр қон қуйилиши ($p < 0,05$) ва тўр парданинг кўчиши ($p < 0,001$ тракцион ва қўшма кўчишлар учун) сингари кўрсатмаларнинг учрашиш суръати ошган.

Шунингдек, биз томондан кўзнинг функционал ҳолати кўрсаткичлари (КИБ ва кўриш ўткирлиги) нинг артериал қон босими даражаси, гликемик статус ва буйракларнинг функционал ҳолати (сийдикчил ва креатининнинг қон зардобидаги концентрацияси) билан корреляцион таҳлили ўтказилган. Қуйидаги қонуниятлар аниқланган: тадқиқотнинг барча босқичларида КИБ даражаси ҳеч қайси танланган тизимли кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлиги (корреляция) кузатилмаган; систолик ва диастолик артериал қон босими даражаларининг, ҳамда гликемиянинг кўриш ўткирлигининг кўрсаткичи билан бутун кузатув давомида аниқ алоқаси борлиги ҳам аниқланмаган; кўриш ўткирлиги билан буйракларнинг функционал ҳолати (сийдикчил ва креатининнинг қон зардобидаги миқдори) орасида аниқ суст салбий алоқа борлиги белгиланган.

Тадқиқотга киритилган барча кўзларда бирламчи текширувдан кейин витреоретинал аралашув амалга оширилган. Қуйидагилар ҳисобга олинган (3-жадвал): операциянинг умумий давомийлиги, оғир интраоперацион геморрагиялар ривожланиши, шишасимон тана бўшлиғини силикон мойи билан тампонадасига бўлган эҳтиёж ва диабетик катаракта юзасидан симултан аралашувни ўтказиш (факоэмулсификация билан ИОЛ имплантацияси).

Аниқланишича, илгари ПЛК ўтказилган кўзларда витреоретинал аралашув, ПЛК- гуруҳига қараганда ($p < 0,001$), сезиларли кам вақтни олган, бу орқа гиалоид мембранасини ажратишга, мембрананинг сегментацияси, деламинацияси ва олиб ташланишига, ҳамда интраоперацион геморрагиялар ривожланишининг паст суръатига ($p < 0,001$) ва уларни олиб ташланишига сарфланган кам вақт билан боғлиқ бўлган. Шунингдек, ушбу гуруҳда кўз шишасимон тана бўшлиғини силикон мойи билан тампонада қилиш ишончли равишда камроқ талаб қилинган ($p < 0,001$).

Корреляция таҳлили витреоретинал аралашув давомийлиги билан гликемия даражаси ($r = +0,26$, $p < 0,05$) орасидаги аниқ суст ижобий алоқани аниқлаб берди, бу қўшимча равишда гипергликемиянинг пролифератив ретинопатия ривожланиши ва авж олишига патогенетик ҳисса кўшишини

тасдиқлайди, чунки кўзнинг янада кучли ифодаланган органик ўзгаришлари операция жараёнида кўп вақт сарфланишини талаб қилади. Буйрақларнинг функционал ҳолати, САД даражаси ва витректомиянинг давомийлиги орасидаги сезиларли алоқалар топилмади, лекин операция давомийлиги билан диастолик артериал қон босими даражаси орасида парадоксал аниқ салбий кам ифодаланган алоқа белгиланган.

3 жадвал

Дастлабки ПЛК га қараб ПДР бўлган кўзларда витреоретинал аралашувнинг кечиши (* - кўрсаткичи маълумотлар)

Кўрсаткич	ПЛК- (n=84)	ПЛК+ (n=116)	Ишончл. даражаси
Операция давомийлиги, мин	90,36±2,24	68,00±1,79	P<0,001
Силикон мойи билан тампонада қилиш*	64 (76,19%)	30 (25,86%)	49,54 P<0,001
ИОЛ имплантацияси *	44 (44% %)	56 (56% %)	Нд
Интраоперацион геморрагиялар*	58 (69,05%)	12 (10,34%)	73,70* P<0,001

Изоҳ: * - Хи квадрат мезони билан, белгининг учрашиш суръати ва аниқ фарқлар белгиланган, ишончлилик даражада.

Шундай қилиб, пролифератив диабетик ретинопатияси бўлган кўзларда ўтказилган дастлабки тўр парда лазерокоагуляцияси витреоретинал аралашувга бўлган кўрсатмаларнинг суръатли тузилишини ўзгартиради. Беморлар юқори кўриш функциясини сақлаб қолганлар, бу маълум бўлгандай, операция функционал натижасининг башорат бўйича ижобий омили ҳисобланади. Бошқа турдаги ижобий таъсир бўлиб, дастлабки ПЛК ўтказилган кўзларда интраокуляр гипертензия ривожланишининг паст суръати ҳисобланади. Шунингдек, дастлабки ПЛК операция вақтини қисқартиришга имкон беради ва интраоперацион геморрагияларнинг ривожланиш хавфини пасайтиради.

Аниқланишича, дастлаб паст кўриш ўткирлиги диабетик нефропатиянинг мавжудлиги ва буйрақларнинг функционал ҳолатининг пасайиши, ҳамда артериал гипертония ва углеводлар алмашинувининг декомпенсацияси билан ассоциацияланади.

Диссертациянинг «**Тўр пардаси лазер коагуляцияга мойил бўлган беморларда яқин ва узоқ витреоретинал жарроҳлик амалиётининг асоратлари**» деб номланган тўртинчи бобида ВРХнинг анатомик ва функционал асоратлари ёритилган. Умуман олганда, витреоретинал жарроҳликнинг анатомик муваффақияти (аъзонинг анатомик тузилишининг тикланиши – гемофтальм ва тўр парданинг кўчишини бартараф қилиш) гуруҳларда ПЛК- гуруҳида 92,86% ни (78 кўзлар) ва ПЛК+ гуруҳида 94,83% (110 кўзлар) ташкил қилди (гуруҳлар орасидаги фарқ – нд).


Функционал муваффақият операциядан 30 кун ўтгандан кейин баҳоланган. ПЛК- гуруҳида кўришнинг пасаймаслиги 50 ҳолларда кузатилган

(59,52%), ПЛК+ гуруҳида эса - 80 ҳолларда (68,97%, гуруҳлар орасидаги фарқ – нд).

Кўриш ўткирлиги умуман ПЛК гуруҳи бўйича 10-чи куннинг ўзида операциядан олдинги кўрсаткичлардан юқорирак бўлган (1 расм).

1 расм.

Дастлабки ПЛК га қараб, ПДР бўлган кўзларда витреоретинал операциядан кейинги кўриш ўткирлигининг энг юқори коррекцияси билан динамикаси



Изоҳ: гуруҳлар орасидаги фарқ ишончлилиги - *, бошланғич маълумотлар билан фарқнинг ишончлилиги - ^. Битта белги – $p < 0,05$, иккита белги – $p < 0,01$, учта белги – $p < 0,001$.

ПЛК- гуруҳида эса сезиларли таъсир фақат кузатувнинг 1-чи охирида эришилган ва шубҳасиз паст бўлган, ПЛК+ гуруҳига қараганда. Кузатувнинг иккала гуруҳида кўриш ўткирлиги 6-чи ойгача авж олган ҳолда ошган. Кейинчалик кўриш функциясининг аста-секин пасайиши кузатилган, бироқ кузатув 1-чи йилининг охирига келиб ҳам иккала гуруҳда у операциядан олдинги кўрсаткичлардан юқорирак ҳолда сақланган. Аниқланишича, кузатувнинг бутун даври давомида кўриш ўткирлиги ПЛК+ кўзлар гуруҳида, ПЛК- гуруҳи учун хос бўлган кўрсаткичлардан аниқ ошган. Кўриш фаолиятига қараб беморларни суръат бўйича тақсимлаш худди шундай қонуниятларни намойиш қилди: иккала тадқиқот гуруҳларида 6 ой давомидаги юқори кўриш ўткирлиги бўлган кўзлар фойдасига ишончли ўсиб боровчи қайта тақсимланиш кузатилмоқда, шундан сўнг ПЛК+ гуруҳида кўзларнинг суръат бўйича тақсимланиши турғун қолмоқда.

ПЛК гуруҳида эса – ҳам паст, ҳам юқори кўриш ўткирлиги билан бўлган кўзларнинг камайиши ҳисобига, кўриш ўткирлиги 0,1-0,01 бўлган кўзлар сони ошмоқда (бутун кузатув даври давомида иккала гуруҳ ичидаги динамик фарқлар - $p < 0,001$). Бунда 12 ой мобайнида кўриш ўткирлиги бўйича кўзларнинг суръат бўйича тақсимланиши гуруҳлар орасида шубҳасиз фарқ қилган: ПЛК+ гуруҳида ПЛК- билан таққослаганда янада юқорирак функционал қобилиятли кўзлар кўпроқ бўлган ($p < 0,001$ ҳар бир вақт даврида

гуруҳлар орасида). Иккала тадқиқот гуруҳларида операциядан олдин ва кейин кўриш ўткирлигининг корреляцион таҳлил ўтказилган ва бутун кузатув даври давомида иккала гуруҳда ишончли ижобий кучли алоқа аниқланган. Иккала гуруҳда ҳам алоқа кучи баравар бўлган.

Шундай қилиб, дастлабки тўр парда лазерокоагуляцияси пролифератив диабетик ретинопатияси бўлган кўзларда янада юқори кўриш фаоллигини сақлашга имкон беради, ва бу витреоретинал жарроҳликнинг катта функционал таъсирини таъминлайди. Операциядан кейинги 1-йиллик кузатув жараёнида иккала гуруҳда ПДР нинг зўрайиши кузатилди ва бу интравитреал қон қуйилишлар ва неоваскуляризациялар кучайишининг ривожланиши билан ифодаланди. Ушбу ҳолатлар қайта витреоретинал аралашувларни - шишасимон тана бўшлиғининг леважи ва ре-вitreэктомияни талаб қилди (4 жадвал).

4 жадвал

Дастлабки ПЛК га қараб, витреоретинал жарроҳликни бошидан кечирган ПДР бўлган кўзларда қайта офталмологик аралашувларнинг суръати

Кўрсаткич	ПЛК- (n=84)	ПЛК+ (n=116)	P
Қайта жарроҳлик аралашувлари			
Силикон мойини олиб ташлаш	64 (76,19%)	30 (25,86%)	P<0,001
Шисасимон тана бўшлиғининг леважи	26 (30,95%)	12 (10,34%)	13,34 P<0,001
Ре-вitreэктомия	18 (21,43%)	6 (5,17%)	12,05 P<0,001

Кўрсатилган асоратлар ва коррекцияловчи операцияларнинг суръати ПЛК- гуруҳида шубҳасиз юқори бўлган (шишасимон тана бўшлиғининг леважи – 30,95% кўзлар ПЛК+ гуруҳидаги 10,34% га қарши, $p<0,001$, ре-вitreэктомия – 21,43% - 5,17% га қарши, $p<0,001$).

Шисасимон тана бўшлиғини силикон мойи билан тампонадаси қўлланилган барча ҳолларда (ПЛК- гуруҳида 64 кўз, 76,19% ва ПЛК+ гуруҳида 30 кўзлар, 25,86%, $p<0,001$), кузатув вақтида силикон мойи олиб ташланган. Мазкур операция вақтида битта ҳолда ПЛК- гуруҳида тўр парданинг қайта кўчиши кузатилган, бу қайта тампонада ўтказилишини талаб қилган. Силикон мойини олиб ташлашга бўлган кўрсатмалар – КИБ ошиши (ПЛК+ гуруҳида 42 ҳолларда, 50,0%, ва ПЛК- гуруҳида 24 ҳолларда, 20,69%, $p<0,01$) ва силикон мойининг эмулсификацияси.

Шундай қилиб, ушбу тадқиқот шуни кўрсатдики, витреоретинал жарроҳликни бошидан кечирган ПДР бўлган кўзларда қайта жарроҳлик аралашувларга бўлган эҳтиёжни пасайтиришга имкон беради. ПДР нинг асоратларидан бири – кўз ички босимининг ошишидир, бу рангдор парданинг неоваскуляризацияси (неоваскуляр глаукома) ва интравитреал қон қуйилишларнинг ривожланиши (ghost-cell глаукома) билан боғлиқ. Мазкур

тадқиқотда ПЛК- гуруҳида 18 та беморда (21,43%) КИБ ошиши кузатилган (20 мм сим. уст. дан юқори), ПЛК+ гуруҳидаги 12 та беморга нисбатан (10,34%) (офтальмогипертензияси бўлган беморларни суръати бўйича тақсимлашда гуруҳлар орасидаги фарқ хи квадрат=4,64, $p<0,05$). Бунда КИБ нинг абсолют ўртача қийматлари гуруҳлар орасида шубҳасиз фарқ қилган: $p<0,001$ (5-жадвал). Витреоретинал жарроҳликдан кейин 1-чи ойда иккала гуруҳда КИБ даражаси аниқ ошган (иккала беморлар гуруҳида бошланғич маълумотлар билан солиштириганда $p<0,001$). Кейинчалик иккала гуруҳда КИБ аниқ пасайган, бунда ПЛК+ гуруҳида бошланғич қийматларгача етган, ПЛК- гуруҳида эса – бошланғич қийматдан ҳам пасайган. Бироқ бутун кузатув даври давомида КИБ ПЛК- гуруҳида шубҳасиз юқориликгача қолган, ПЛК+ гуруҳига нисбатан ($p<0,001$ кузатувнинг 1 ва 6 ойида ва $p<0,01$ 12 ойида).

КИБ динамикаси ПЛК- гуруҳида, лекин ПЛК+ гуруҳида эмас, офтальмогипертензиянинг мавжудлигига қараб, кўзларнинг суръати бўйича тақсимланиш динамикасида акс этган ($p<0,001$): кузатув охирига келиб меъёрий кўз босимли кўзлар улуши ошган.

5 жадвал

Дастлабки ПЛК га қараб, витреоретинал жарроҳликни бошидан кечирган ПДР бўлган кўзларда КИБ динамикаси

	ПЛК+ (n=116)	ПЛК- (n=84)
Операциягача	15,59±0,30	19,52±0,79***
1 ой	16,28±0,31^^^	20,83±0,77^^^***
6 ой	15,31±0,22	17,17±0,44^^^***
12 ой	15,24±0,19	16,74±0,45^^^**

Изоҳ: бошланғич маълумотлар билан фарқларнинг ишончилиги: ^^ - $p<0,001$; гуруҳлараро фарқларнинг ишончилиги: ** $p<0,01$, *** $p<0,001$.

Офтальмогипертензиянинг мавжудлигига қараб, ПЛК+ ва ПЛК- гуруҳларида кўзларнинг суръати бўйича тақсимланиши. Аниқланишича, ҳам бошланғич даврда, ҳам витреоретинал аралашувдан кейинги 1-чи ойда ПЛК- гуруҳида КИБ ошган кўзлар улуши шубҳасиз юқори бўлган, ПЛК+ гуруҳига қараганда (21,43% ва 35,71% ПЛК- гуруҳига нисбатан 10,34% бошланғич даврда ва 1-чи ой охирида ПЛК+ гуруҳида, суръати бўйича фарқ ишончилиги: $p<0,05$ бошланғич маълумотлар учун ва $p<0,001$ кузатувнинг 1 ойи охирида таққослаш). Операциядан кейинги 6-чи ва 12-чи ойда келиб ПЛК+ ва ПЛК- гуруҳларнинг суръати бўйича таққосланиши ишончсиз бўлган.

КИБ бўйича гуруҳлар орасидаги фарқни ҳисобга олиб, биз томондан ПДР бўлган кўзларда витректомиядан кейин офтальмогипертензиянинг ривожланишида шишасимон тана бўшлиғини силикон мойи билан тампонадасининг улуши тўғрисидаги тахмин келтирилган. Ушбу тахминни текшириш мақсадида, биз томондан текширилаётган

